



2024 у. «06» 12 № 73/23

## МАЪЛУМОТНОМА

(Ўзбекистон Республикаси «Манфаатлар тўқнашуви тўғрисида»ги Қонунни ижросини самарали ташкил этиш бўйича «Uzbekistan Airways» АЖда ўтказилган давра суҳбатлар тўғрисидаги)

«Uzbekistan Airways» АЖда Ўзбекистон Республикасининг «Манфаатлар тўқнашуви тўғрисида»ги Қонун ижросини самарали ташкил этиш бўйича, ушбу Қонун билан белгиланган талабларни Авиакомпанияда жорий этишда шунингдек, манфаатлар тўқнашувининг олдини олишга оид ҳуқуқий тартиботларнинг мазмун-моҳиятини Авиакомпания ходимларига тушунтириш орқали мазкур Қонунни амалга киритиш мақсадида «Uzbekistan Airways» АЖ раҳбарияти ва маъсул ходимлари ҳамда Коррупцияга қарши курашиш ва комплаенс хизмати иштирокида давра суҳбати бўлиб ўтди.

Ташкилотларда манфаатлар тўқнашувини аниқлаш, олдини олиш ва бу борада самарали назорат тизимини ўрнатишга қаратилган Ўзбекистон Республикаси «Манфаатлар тўқнашуви тўғрисида»ги Қонунни қабул қилинганлиги тўғрисида давра суҳбатида ўрганиб чиқилди;

Қонунда ўрнатилган талаблар ва механизмларни ташкилотларда самарали жорий этиш, бу жараёнда ходимларнинг ҳуқуқ ва манфаатлари ҳимоясини таъминлаш ҳамда улар учун зарур тушунтириш ишларини олиб бориш давлат органлари ва ташкилотларининг биринчи раҳбарлар зиммасига юклатилганлиги такидлаб ўтилди;

Қонунда кўрсатилганидек, ташкилотларда манфаатлар тўқнашувига олиб келиши мумкин бўлган ҳолатларни аниқлаш ҳамда уларни бартараф этиш чораларини кўриш бўйича қатнашчилар билан ўрганиб муҳокама қилинди;

Ташкилотларни ходимлари томонидан уларнинг фаолиятида манфаатлар тўқнашувининг олдини олиш бўйича чекловларга риоя этилишини ўрганиш, жумладан ўриндошлик асосида ишлаш, тадбиркорлик фаолиятида иштирок этиш каби ҳолатларни аниқлаш ва Қонун талабларига зид келиши бўйича қатнашчилар ўртасида муҳокама қилинди;

манфаатлар тўқнашувига ҳолатлар Авиакомпания тизимида аниқланганда ўз вақтида чора кўриш ва бартараф этиш масалалари муҳокама қилинди;

Доимий равишда манфаатлар тўқнашуви ҳолатларини аниқлаш ва уларни бартараф этиш, шунингдек, бундай ҳолатларнинг олдини олиш бўйича қўрилаётган чоралар одоб-ахлоқ комиссия аъзолари билан муҳокама қилиб борилиши тушунтирилиб ўтилди;

Қонун кучга кириши билан манфаатлар тўқнашуви тўғрисидаги хабарномани тўлдирилганлиги ҳамда эҳтимолий манфаатлар тўқнашуви тўғрисидаги декларацияларни ўрганиш ишлари доимий олиб борилиши бўйича муҳокама қилинди;

Қонун кучга кириши билан давлат харидлари бўйича баённома ва шартномаларни, шунингдек, тижорат ташкилотларининг аффилиланган шахслари ва бенефициарлари бўйича маълумотларни ўрганиш ишлари давом этирилиши бўйича муҳокама қилинди;

Юқоридагиларни инobatга олган ҳолда ва Қонун ижросини таъминлаш мақсадида “Uzbekistan Airways” АЖ раҳбарияти ва маъсул ходимлари “Манфаатлар тўқнашуви тўғрисида”ги Қонунга жиддий ёндашиш ва назоратга олиш муҳимлигини такидлаб ўтилди.

**Коррупцияга қарши курашиш  
ва комплаенс хизмати бошлиғи**



**А.А.Абдувахабов**

*Ижрочи: Ж. Рустамов*  
Тел: 78 140-45-68

Uzbekiston, Toshkent, Amir Temur shoh ko'chasi, 41  
GSP-100060

Uzbekistan, Tashkent,  
41, Amir Temur avenue  
GSP-100060